



ҚАРАРЫ

Нүсхә шаһри

Нөвһис қалһасы

№ 204

« 23 » март 2018 й.ж

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 18 мартдаги «Дехкон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан
самарали фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги
205-сонли қарори ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил
18 мартдаги «Дехкон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали
фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 205-сонли
қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгаши

ҚАРАР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил
18 мартдаги «Дехкон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали
фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 205-сонли қарори
ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида
кўрсатилган қарори билан:

а) Қуйидагилар:

- Дехкон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали
фойдаланишни ташкил этиш ва мониторингини юритиш тартиби тўғрисида
низом 1-иловага мувофиқ;

- Дехкон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларига кишлоқ хўжалиги
экинларини жойлаштириш, экиш ва парвардилаш, шунингдек, зарур
молдий ресурслар етказиб берилишини мувофиқлаштирувчи республика ишчи
гурухи (кейинги ўринларда Республика ишчи гурухи деб аталади) таркиби
2-иловага мувофиқ;

- Дехкон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларига кишлоқ
хўжалиги экинларини жойлаштириш, экиш ва парвардилаш, шунингдек, зарур
молдий ресурслар етказиб берилишини мувофиқлаштирувчи республика
ишчи гурухи аъзоларига бириктирилган хўдудлар рўйхати 3-иловага мувофиқ
таъсисланганлиги;

б) Республика ишчи гурухига (Мирзаев, Нарбаева) Қорақалпоғистон
Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари билан
биргаликда:

мазкур қарор билан таъсисланган Дехкон хўжаликлари ва томорқа
ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва мониторингини
юритиш тартиби тўғрисидаги низоми талабларининг тулақонли бажарилиши
юзасидан тизимли назорат ўрнатиш;

Дехкон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари томонидан кишлоқ
хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда зарур бўлган ёниғи-мойлаш
маҳсулотлари, минерал ўғитлар, ўсимликларни химоя қилиш воситалари,
сифатли уруғлик ва кўчатларни ҳамда чорва моллари ва паррандалар
учун озқаларни жойларда (махаллада) сотиш ишларини ташкил этиш;

томорқа ер участкаларига кишлоқ хўжалиги экинларини оптимал
муддатларда экиш, парвардилаш, зарарсунандалар, касалликлар ва бетона
ўтларга қарши курашиш ҳамда боқилмаган чорва моллари ва паррандаларни
эмлаш тadbирларини амалга оширишда соҳага оид илмий-текшириш
институтлари, олимлар ва тажрибали агрономларнинг амалий ёрдамларини
ташкил этиш;

Дехкон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида етиштирилган
хосил ёки маҳсулотларни сотиб олиннинг қаролатилган механизмини
йўлга қўйиш мақсадида тайёрлов, қайта ишлаш ва экспорт қилувчи
ташкилотларни аниқ хўдудларга бириктириш;

Дехкон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали
фойдаланиш бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилишини
мониторинг ва таҳлил қилиб бориш, умумлаштириш ва ҳар ой якунида
кейинги ойнинг 5-санасигача камчиликларни бартараф этиш ва тизимли
тақомиллаштиришга доир Вазирлар Маҳкамасига маълумотлар ва тақлифларни
қиритиш топширилганлиги;

в) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар
ҳокимликлари, Ўзбекистон фермер, дехкон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари
кенгаши кишлоқ ва овулларга сифатли уруғ ва кўчатлар етказиб
бериш ишларини амалга ошириш, бунинг учун доимий ҳамда мавсумий
харакатланувчи савдо дўконларини ташкил қилишга шахсан масъул эканлиги
белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар:

- Дехкон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларига кишлоқ
хўжалиги экинларини жойлаштириш, экиш ва парвардилаш, шунингдек,
зарур молдий ресурслар етказиб берилишини мувофиқлаштирувчи
Қорақалпоғистон Республикаси ишчи гурухи таркиби 1-иловага мувофиқ;

-Дехкон хўжаликлари ва томорка ер участкаларига кишлок хўжалиги экинларини жойлаштириш, экиш ва парваришlash, шунингдек, зарур молдй ресурслар етказиб берилишини мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳи аъзоларига бириктирилган туманлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. «Қорақалпоқагрокимёҳимоя» АЖ дехкон хўжаликлари ва томорка ер участкаларида кишлок хўжалиги экинларини етиштириш учун зарур бўлган минерал ўғит ва ўсимликларни химоя қилиш воситаларини жойларга етказиб бериш орқали дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгаларига пуллик хизматлар кўрсатилишини ташкил этсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси ўрмон хўжалиги кўмитаси, Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Қорақалпоғистон бўлими билан ҳамкорликда дехкон хўжаликлари ва томорка ер участкаларида экишга мўлжалланган мевали ва манзарали кўчатларни кишлок ва овулларда сотиш чораларини кўрсин.

6. Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси, Мабуот ва ахборот агентлиги, ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон бўлими, Кишлок ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгаши билан ҳамкорликда оммавий ахборот воситалари орқали дехкон хўжаликлари ва томорка ер участкаларида самарали фойдаланишнинг илгор тажрибалари ва иқтисодий фойдаси тўғрисида махсус кўрсатув ва эшиттиришларни мунтазам равишда ташкил этиш тавсия этилсин.

7. Маэкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ўзимда қолдираман.

**Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси**

К.Сариев

Вазирлар Кенгашининг
2018 йил «23» мартдаги 204-сон
қарорига 1-илова

Дехкон хўжаликлари ва томорка ер участкаларига кишлок хўжалиги экинларини жойлаштириш, экиш ва парваришlash, шунингдек, зарур молдй ресурслар етказиб берилишини мувофиқлаштирувчи Қорақалпоғистон Республикаси ишчи гуруҳи

ТАРКИБИ

С.Хожаметов	-	Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, ишчи гуруҳ раҳбари
З.Ибрагимова	-	Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари - Хотин-қизлар кўмитаси раиси, ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари
Ж.Узақов	-	Куйи Амударё ирригация тизимлари хавза бошқармаси бошлиғи
С.Сабиров	-	Кишлок ва сув хўжалиги вазирлигининг бўлими бошлиғи
А.Қайбергенов	-	Иқтисодиёт вазирлиги ўринбосари
А.Атажанов	-	Адлиа вазирлиги биринчи ўринбосари
Р.Жўмамуратов	-	Молчиа вазирлиги ўринбосари
Т.Ганиев	-	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ўринбосари
А.Сапарбаев	-	Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи
Т.Султанов	-	Ер ресурслари ва давлат қадаетри бошқармаси бошлиғи
Ш.Оспанов	-	Статистика бошқармаси бошлиғи
К.Нуримбетов	-	Қорақалпоғистон фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгаши раиси
У.Жалмиев	-	Қасаба уюшмалари федерацияси Кенгашининг раиси
Т.Раманов	-	Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши раиси ўринбосари
П.Торемуратов	-	Қорақалпоғистон апросановат мажмуаси ходимлари қасаба уюшмаси федерацияси Кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси бўйича масъул ташкилотчиси
Ш.Аюбов	-	Ишчи ишлар вазирлиги ўринбосари
Н.Худайбергенов	-	Вазирлар Кенгашининг Кишлок ва сув хўжалиги масалалари бўйича қотийбятли ставкачи мутахассиси, ишчи гуруҳ қотийби

Дехкон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларига кишлок
хўжалиги экинларини жойлаштириш, экиш ва парвариллаш, шунингдек,
зарур моддий ресурслар етказиб берилишини мувофиқлаштирувчи ишчи
гурухи аъзоларига бриктирилган туманлар

Р Ў Й Х А Т И

Тўртқўл	У.Сабуров	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири
Беруний	У.Жалмонов	Қасба уюшмалари федерацияси Кенгашининг раиси
Элликкалъя	О.Генжсбаев	"Тоza худуд" ДУК бошлиғи
Амударё	Ф.Султанов	«Қорақалпоғистон пахта терминали» МЧЖ директори в.в.б
Тахиятош	Ж.Садиков	Адлия вазири
Хўжайли	А.Жуманиязов	Чигиртка ва тут парвонасига қариши курашиш хизмати филиали бошлиғи
Шўманой	Т.Хожаназаров	Экология ва атропоф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси бошлиғи
Қонлиқўл	Д.Ходжиев	Соғлиқни сақлаш вазири
Қўнғирот	Р.Жумабаев	«Ўзагролизинг» АЖнинг ҚР филиали директори
Нукус	Ж.Узақов	Қўйи Амударё ирригация тизимлари хавза бошқармаси бошлиғи
Кегейли	Т.Раманов	Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши раиси ўринбосари
Чимбой	У.Утамбегов	Ўрмон хўжалиги қўмитаси раиси
Қораўзақ	П.Сейтмурагов	Ўрга махсус, касб хунар таълими бошқармаси бошлиғи
Тахтақўпир	А.Аянов	Халқ таълими вазири
Мўйнок	Т.Султанов	Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғи